

Термиз тумани Фавқулодда вазиятлар бўлимида “Очиқ эшиклар куни” ўтказилди



Ўсиб келаётган ёш авлодни Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни касбга йўналтириш мақсадида Термиз тумани Фавқулодда вазиятлар бўлимида умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари иштирокида "Очиқ эшиклар куни" тадбири ўтказилди.

Тадбирида Фавқулодда вазиятлар бўлимида яратилган шароитлар, ёнғин қутқарув машиналари ва ёнғин ўчириш асбоб-ускуналарини ишлатиш тартиблари, шарафли ўт ўчирувчи касбининг машаққатлари, иш жараёнлари кўрсатиб берилди.

Шунингдек, ўқувчи-ёшлар Фавқулодда вазиятлар бўлими шахсий таркиби ходимлари томонидан фавқулодда вазиятлар юзага келганда амалга ошириладиган тадбирлар, ҳатакат дастурлари билан ҳам танишишди.